



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 86 (13.933)

Баҳоси эркин нарҳда

ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Франк-Вальтер Штайнмайер шу куни ўзи учун ажратилган қароргоҳда мамлакатимизда фаолият юритаётган Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GiZ), Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) каби институтлар вакиллари билан учрашди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 28 майга мўлжалланган. Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истикболларини, шунингдек, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи формати доирасидаги алоқаларни муҳокама қилди.

Мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашиш кўзда тутилган.

Музокаралар якуни бўйича иқтисодий, молия, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ташриф асносида Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистон ва ГФРнинг етакчи компания ва банклари, юртимиздаги фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашиши, қатор соноат корхоналари ва маданий муассасалар билан танишиши режалаштирилган.

Германия Президенти Хоразм вилоятида бўлиб, Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашади, Хива шаҳридаги осори атика ва маданий-мезморий обидаларни томоша қилади.

ЎЗА

ТАДБИРКОР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш – мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган. Кейинги йилларда бизнес муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишлар қисқартирилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz” дастурлари тадбиркорлик истагидагиларни қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлмоқда. Натижада янги ташкил этилган субъектлар сони 2,3 бараварга кўпайгани бунинг тасдиғидир.

Бироқ жойларда бюрократия, тамағирлик ва тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чорағида Президент Халқ қабулхоналарига тадбиркорлардан 16 мингта мурожаат тушган. Улар асосан ер ажратиш, газ, электр ва сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, кредит, солиқ масалаларига тааллуқли. Икки мингта яқин мурожаатда мансабдорларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирилган.

Бу муаммоларни тизимли ҳал этиш, тадбиркорларга чинакам кўмак бериш мақсадида жорий йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда мазкур қабулхоналар фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президентимиз адлия вазири ва Савдо-санотат палатаси раиси раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳи тузиб, жойларда тадбиркорлар билан очиқ, амалий учрашувлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Аниқланган муаммоларнинг ҳудудга тааллуқлиси вилоят ҳокимига, республика аҳамиятига молик бўлгани эса Бош вазирга берилиши, улар ҳафтада бир кун қабулхона масалалари билан шўғулланиши кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, қабулхоналар иши уч босқичда олиб борилади. Аввало, қабулхонада тасдиқланган кунлик жадвал асосида ҳокимликлар, Савдо-санотат палатаси, инвестиция бошқармаси, прокуратура, адлия, солиқ органлари, қурилиш, кадастр, банк ва бошқа ташкилотлар вакиллари тадбиркорларни қабул қилади.

Ўз ечимини топмаган мурожаатлар вилоят қабулхоналарига қўйорилади. Натижа бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасининг котибиятида Бизнес омбулсман, Савдо-санотат палатаси ва ваколатли идоралар иштирокида кўрилади.

Мурожаатлар шунда ҳам ўз ечимини топмаса, тадбиркорларни Бош вазирнинг шахсан ўзи қабул қилади. Бош вазир қабулхонаси мурожаатларни таҳлил қилиб, бу борада вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

ЎЗА

GERMANYA UNIVERSITETLARI BILAN ҲАМКОРЛИК

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган симпозиум ўзинини бошлади.

Германиянинг Гисен университети билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Жанубий Кореянинг Кангвон Миллий университети, Тошкентдаги халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этмоқда.

“Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалиги барқарор ривожланиши” дастури бўйича қилинган маърузалар, жумладан, Германиянинг Гисен университети профессори Мартин Петрикнинг “Иқтисодий-ижтимоий фанларнинг қишлоқ ҳўжалиги ривожидagi ўрни” ҳамда Корея Республикасининг Кангвон Миллий университети профессори Кианг Ринг Кимнинг “Марказий Осиёдаги суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги экинларини диверсификациялаш: ислохотлар ва унинг ижтимоий оқибатлари” мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

SUSADICA дастурининг мақсади Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланиши билан боғлиқ масалаларга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик барқарорликни йўлдошчи 5 йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳам ушбу мақсадларни амалга ошириш юзасидан тадқиқотчиларга қўлай илмий муҳит яратилган. Мазкур структуравий докторантура дастури довомида мунтазам равишда университетда PhD тадқиқот тренинглари, турли нуфузли олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари маърузалари, семинар ва конференциялар, турли тақдимотлар ўтказилди.

Бу эса келгусида SUSADICA структуравий докторантура дастури довомида Марказий Осиёда қишлоқ ҳўжалиги барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари бўйича илғор методологик илмий-тадқиқот ишлари яратилишига хизмат қилади. Марказий Осиё ва Европа олимлари ҳамда талабаларини бирлаштирувчи платформа яратиш орқали қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий соҳалар олимлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиради. Таъкидланганидек, ушбу тажриба бошқа университетлар ва йўналишларга юқори даражадаги таълим стандарти, халқаро ҳамкорлик ва академик натижалари билан яхлит модель сифатида намуна бўлади.

Яна бир маълумот: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академик инновация фонд (АИФ) гранти асосида институтида “Аграр инновациялар ва ресурслардан фойдаланиш бўйича предметларо иқтисодий лаборатория” лойиҳаси иш бошламоқда. Ушбу экспериментал лаборатория иқтисодий ва техник – муҳандислик фанларини бир-бирига боғлаган ҳолда фаолият юритади. Ўқув дастурларини такомиллаштиришда лойиҳа иштирокчилари учун Германия ҳамда Тошкентда турли мавзуларда, жумладан, танқидий ёндашув, академик ёзиш, тақдимот санъати бўйича семинар-тренинглар ташкил этилади.

Мазкур анжуман ҳам қишлоқ ҳўжалигининг инновацион, барқарор ривожланиш хусусиятларини ўрганишга, Ўзбекистонда келгусида фан ютуқларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мохигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири

GERMANYA ASOSIY QONUNI ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинган “Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда немис тилига ихтисослашган таълим муассасалари талаба-ўқувчилари, Немис тили ўқитувчилари ассоциацияси аъзолари иштирок этди.

Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни мазкур мамлакат давлатчилик тарихининг замонавий шакллари ўсида мужассам этган ҳуқуқий асосдир. Бу йил ушбу мамлакат Асосий қонуни қабул қилинганнинг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Германия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу каби юқори ва тарихий ривожланишининг барча босқичларида Германия Асосий қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривож топмоқда. Кўпгина соҳалар қатори қонун ижодкорлиги йўлидаги ўзаро манфаатли муносабатлар ҳам янги босқичда давом этаётганини қайд этиш жоиз. Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг ўзбек ва немис тилларида ягона китоб ҳолида нашр этилгани ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Тадбирда Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчилари Германия Асосий қонуни яратилиш тарихи, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари акс этган боблар бўйича тақдимотлар қилди.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги немис тилига ихтисослаштирилган Гёте номидаги 60-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Тақдимот маросими иштирокчиларига Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан чоп этилган китоблар жамланмаси топширилди.

Файрат ХОННАЗАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА СУҒУРТА ҲИМОЯСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт ва экспортдаги молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларни суғурталаш механизмларини самарали татбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий ва саноат вазирлигининг экспорт қилувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини ўрнатиб тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги

ўринларда – Жамғарма) экспорт қилувчиларга:

тижорат банкларининг экспорт-олди кредитлари, шу жумладан, айланма маблағларни тўлдириш учун берилган кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга, миллий валютадаги кредитлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи, бироқ 4 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда компенсация тақдим этади;

тижорат банкларининг кредитлари, шу жумладан, экспортдаги кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 4 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилик беради.

(Давоми 2-бетда)

ноат палатаси вакиллари, кичик ва хусусий бизнес субъектлари раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди.

● Сурхондарё вилоятининг қўшни Туркманiston Республикаси билан чегарадош Музработ туманидаги Чегарачи маҳалласи ҳудудида барпо этилган Сурхонбод темир йўл станцияси фойдаланишга топширилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, ДХХ Чегара қўшинлари ҳамкорлигида барпо этилган мазкур станцияда барча қўлайликлар мавжуд.

● Нукусда “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси бўлиб ўтди. Қорақалпоғiston Республикаси Адлия вазирлиги, Ноғиронлар жамияти ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳарлардан келган ногиронлиги бўлган шахслар

ўзлари ишлаб чиқарган хунармандчилик, зардўзлик, тикувчилик, атторлик маҳсулотлари билан иштирок этди.

● Наманган вилоятида болаларнинг ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини ташкил этиш бўйича ўтказилган семинар шу саволга жавоб бўладиган масалаларга бағишланди. Семинарнинг секция машғулотида оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, етакчилар, тиббиёт ходимлари, ҳисобчилар, спорт йўриқчилари, ички ишлар ходимлари, ошхона хизматчилари ва бошқалар билан алоҳида назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинди.

ЖАҲОНДА

● Францияда 72-бор ўтказилган аънавий Канн халқаро кинофестивали якунланди. Унинг нати-

жаларига кўра “Кумурсқалар” фильми бош соврин – “Олтин пальма”га лойиқ деб топилди. Антонио Бандерас эса энг яхши актёрга мўлжалланган мукофотни кўлга киритди. Шунингдек, фестивалнинг Гран-при соврини эгаси ҳамда энг яхши режиссёри ҳам аниқланиб, муносиб тақдирланди.

● Исроилда ҳаддан ташқари жазирама ҳаво ҳуқуқ сураётганлиги туфайли ўрмон ёнғинлари авжига чиқди. Табиий офат натижасида ўрмонлар атрофида жойлашган бир неча уйлар куйиб кул бўлди.

● Португалия терма жамоаси ҳамда Италиянинг “Ювентус” клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду бир донагина ишлаб чиқарилган ва жаҳонда энг қимматбаҳо ҳисобланаётган автомобилни 11 миллион еврога сотиб олди. Ушбу автомобиль “Bugatti” компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, унга ҳам “Bugatti” номи берилган. Мазкур автомобилнинг мотори 1500 от кучига эга бўлиб, тезлиги соатига 420 километргача етади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг суд орқали ҳимоясини кучайтиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирда прокуратура, суд, солиқ идоралари, банклар, давлат хизматлари марказлари, Савдо-са-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА СУҒУРТА ҲИМОЯСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5587-сонли Фармони 1-иловасида кўрсатилган ҳам ашё товарлари экспортига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг буюртманомалари асосида 2019-2020 йиллар давомида ушбу бандда кўрсатилган мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 50 миллиард сўмгача миқдорда маблағ ажратсин.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан биргаликда экспорт қилувчи корхоналарни, шу жумладан, айланма маблағларни тўлдирishi учун кредитлар бериш орқали молиялаштириш тўрларини кенгайтирсин.

3. Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га иловадаги рўйхатга мувофиқ маҳсулотларни экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш харажатларини 50 фоизга миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми жорий қилинсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораси қўшни давлатларга экспорт қилинадиган маҳсулотларга татбиқ этилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) маҳсулотни экспортга ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу банд билан тасдиқланган рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссиясиз (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ҳисобот даври якуни бўйича тайёр маҳсулот экспорт қилиш учун 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга уларнинг аризаларига қўра экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳам ашё, бутловчи буюмлар ва материаллар импортида қўшилган қиймат солиғи тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечиктириш имконияти берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой мuddатда экспорт қилувчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш имкониятини бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Агентлик зиммасига ҳам республикаимиздаги, ҳам хориждаги халқаро стандартлаштириш ва сертифицилаштириш тизимларини жорий этиш, миллий маҳсулотни хорижий дав-

латлар ваколатли органларида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларида иштирок этиш, тақдимотлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, шу жумладан, анъанавий миллий маҳсулотлар ва брендларни потенциал бозорларда илгари сурши бўйича экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий қўмак бериш вазифаси юқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Агентлик икки ой мuddатда экспорт қилувчи ташкилотларга мазкур молиявий қўмакни бериш механизмининг ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда тадбиркорлик субъектларининг хорижий мамлакатларда зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ҳамда халқаро тендерлар ва танловларда иштирок этиш билан боғлиқ бошқа тўлов харажатларининг бир қисмини тўлашни назарда тутсин.

6. Белгилансинки, 2019 йил 1 июндан бошлаб тирик ҳолдаги товуқ қўни ва балиқ ҳамда уларни сўйиб ишланган маҳсулотлар экспорт учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси рухсати талаб қилинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сугурта компанияси (кейинги ўринларда – "Ўзбекинвест" ЗИМСК) директорлар Кенгашининг:

"Ўзбекинвест" ЗИМСКнинг устав капиталини компаниянинг ўз капитални ҳисобига 221,6 миллиард сўмгача қўлайтириш;

"Ўзбекинвест" ЗИМСК тузилмасида экспортдоли ва экспорт сугуртаси масалалари бўйича бош директорнинг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Белгилансинки: "Ўзбекинвест" ЗИМСКнинг экспортни сугурталаш орқали қўллаб-қувватлаш хизматлари комплекси харидор кредитини, қисқа мuddатли дебитор қарздорлиқни, маҳсулот етказиб берувчи кредитини, тасдиқланган аккредитивни, экспорт қилувчининг айланма маблағларини тўлдирish кредитини, экспорт факторингини сугурталашини ҳамда экспортни сугурталаш орқали қўллаб-қувватлашнинг бошқа воситаларини ўз ичига олади;

молия йилида экспорт контрактлари ва кредитларини сугурталашнинг барча шартномалари бўйича (ҳом ашё бўлмаган маҳсулот экспорт қилишда) сугурта товон тўлашининг умумий ҳажми "Ўзбекинвест" ЗИМСК ўз капиталининг 10 фоиздан ошиб кетган тақдирда, "Ўзбекинвест" ЗИМСК ўз капиталининг 10 фоиздан ошиб кетган миқдордаги йўқотганларининг унинг устав жамғармасини ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

икки ой мuddатда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда "Ўзбекинвест" ЗИМСК фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида тегишли ҳуқумат қарори лойиҳасининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-

лиги ва Транспорт вазирлиги билан биргаликда хабар берилганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, буюртманомаларни, шу жумладан, 2019 йил 1 майдан бўён амалга оширилган маҳсулот экспорти бўйича қабул қилиш ва кўриб чиқиш механизмининг назарда тутилган, маҳсулот олиб бориладиган мамлакат ва субсидия тақдим этишнинг энг кўп мuddатидан келиб чиқиб, Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишсин;

2019 йил 1 августга қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Агентлик маблағлари ҳисобидан ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат хизматларининг интерактив шаклда тақдим этилишини, шунингдек, давлат тили, рус тили ва бошқа хорижий тилларда батафсил маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган, электрон савдо майдончалари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграциялашган Ташқи иқтисодий маълумотлар порталини яратиш ва ишга тушириш;

бир ой мuddатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ташқи иқтисодий маълумотлар порталини юритиш ва масъул идоралар томонидан Порталга тегишли маълумотлар ўз вақтида киритилиши устидан мониторингинг амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланишини;

бир ой мuddатда "Ўзгапроксбанк" АТБ негизда экспорт ва импортни молиялаштириш бўйича иxtисослашган банк ташкил этиш юзасидан таклиф киритилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда "Uzbekistan airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг экспорт юқларини ташиш тарифларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги "Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3978-сон қарорининг 6 ва 7-бандлари, 14-бандининг еттинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой мuddатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Э.М.Ғаниев зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 24 май

Тиббиёт

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Хусусий тиббиёт тизимини ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш масалалари" мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элимира Боситхонова мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини олиб бориладиган шартномага асосланган рағбатлантириш борасида қўллаб-қувватлаш бўлиши мумкин. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунидега ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил мuddатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазибаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу мuddатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртанча иш ҳақи сақланиб қолади.

Давра суҳбатидега бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, халқ маслаҳатчилари институтини янада такомиллаштириш юзасидан қўйдаги таклифлар билдирилди. Халқ маслаҳатчилари институтини бугунги кундаги ўрни ва роли, ушбу институтнинг номланиши, тарихий келиб чиқиши, бугунги замон талабларига жавоб бериши ёки бермаслиги танқидий таҳлилий фикрлар билдириб ўтилди. Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда ҳам халқ маслаҳатчилари институтини жорий этиш юзасидан илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Профессор-ўқитувчилар ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият кўрсатувчи малакали мутахассислар билан ҳамкорликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда халқ маслаҳатчилари институтини тубдан такомиллаштириш бўйича миллий ёки халқаро грантлар доирасида тадқиқот ўтказиш ҳамда тадқиқот натижалари бўйича амалий қўлланма нашр этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 16 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори давлат ҳамда хусусий секторларнинг биргаликда ишлаши, инвесторларнинг Ўзбекистон ҳудудида, давлат секторида фаол фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Эндиликда инвесторлар ўзларига қўлай бўлган му-

ҳитда, ўзлари истаган давлат тиббиёт муассасаларига инвестиция киритиш имконига эга. Хусусий шерикчи танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади. Битимнинг амал қилиш мuddати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланиб, бунда у уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги лозим бўлади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикчи ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа ускуналар, шунингдек, улар томонидан қурилган объектлар битимнинг амал қилиш мuddати тугагандан сўн давлат шерикчига топширилади. Авваллари четдан асбоб-ускуналар олиб келаётган юридик шахс, албатта, тиббиёт ташкилотли бўлиши керак эди. Акс ҳолда унга нисбатан бож имтиёзлари қўлланилмасди. Ҳозирда хориждан тиббиёт асбоб-ускуналарни ҳар қандай юридик шахс олиб келган тақдирда уларга нисбатан божхона имтиёзлари қўлланилади.

Жумладан, қарор билан хорижий тиббиёт ускуналарини олиб кираётган тадбиркор ва инвесторлар учун умумий қиймати 200 миллион АҚШ доллари тенг бўлган имтиёзли кредитлар линияси очилди. Бу муҳим жиҳат саналади, ушбу ҳужжат бевосита соғлиқни сақлаш тизимидаги бўш турган участка ва бинолардан самарали фойдаланиш, тиббий хизматлари кўрсатилишини таъминлашга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббиётимизда давлат-хусусий шериклики жорий этиш, хусусий тиббиёт муассасалари давлат тиббиёт ташкилотлари билан бир қаторда беморларни даволаш бўйича давлат буюртмаларини олиш имкониятига эга бўлаётган тиббий хизмат сифатини оширишга, давлат бюджетидеги юкни камайтиришга ва хусусий тиббиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Гули ЧЕХРА

Юнусобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 5 МАРТДАГИ 357-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН ЮНУСОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ 2019 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ "ЮНУСОБОД ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 2267-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99, 143-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджетни мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги "Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли, халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 70/11-1-сонли, Юнусобод туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги "Юнусобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли қарори ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 5 мартдаги "Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 357-сонли қарори ижро ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллий бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг умумий йиллик миқдоридан келиб чиқиб, солиқ Концепцияси бўйича таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда чоралик прогноз кўрсаткичларини мувофиқлаштириб бериш ҳамда йиллик прогнозни қайта тақсимланишига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан розилик берилганини инобатга олинсин.

3. Юнусобод туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги "Юнусобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетни параметрлари тўғрисида"ги 2267-сонли қарорининг:

а) 1-иловаси мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ;

б) 2-иловаси мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ янги тахрирда баён қилинсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Одилов), туман Молия бўлими мудирини (Н.Тиллабаева):

Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг билдиришномаси ва назорат рақамларига қўра Юнусобод туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ташкилий кадрлар гуруҳи раҳбари (В.Мамедов), Матбуот котиби (Ф.Чулиев), Ахборот технологиялари бўйича мутахассиси (А.Абдуқамиллов):

Ушбу қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yunusobod.toshkent.uz сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Одилов зиммасига юқлатилсин.

Юнусобод тумани ҳокими Р.Усманов

2019 йил 5 мартда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Учтепа туманининг Лutfий кўчаси бўйлаб 2 километрлик йўлда кенгайтирилган 13 дан 16 метргача бўлган янги сайлох очилди.
• Мисринг AIMasrya Universal Airlines компанияси Тошкентдан Мисринг Шарм аш-Шайх қуруртига рейсларни амалга оширади.
• Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан "Ўзсаноатқурилишбанк": мижозлар манфаати устувор" мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.
• Тошкент ҳарбий округининг "Чирчиқ" полигонидега "Ҳеч бир ижобий гоя эътибордан четда қолмайди" шiori остида "TECHNO DISCOVERY — 2019" фестивали ўтказилди.

ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидега "Судларга халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ҳамда судьялар малака ҳайъатларининг 2018 йилда амалга оширган ишлари" муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуқда эга.

Амалдаги қонунчилик кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси, "Судлар тўғрисида"ги қонун ва "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги низомида белгиланган қўйилган. Ўз хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасига қўра оғир ва ўта оғир тоифали жиноят ишлари биринчи инстанция суди томонидан судьялар ва судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган икки нафар халқ маслаҳатчисидан иборат суд таркиби томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 13-моддасининг учинчи қисмида иш биринчи инстанция суди ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси кириши, тўртинчи қисмида эса, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуқда эга эканлиги белгиланган қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунининг 29-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ҳамда суд раёсати ва судлов ҳайъатлари таркибидега иш олиб бориши белгиланган.

Мазкур қонуннинг 34-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раиси, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчилари малакасини ошириш ишини ташкил этиши назарда тутилган. Қонуннинг 62-моддасига биноан ўттиз ёшдан кичик

бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил мuddатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунидега ўттиз ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил мuddатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазибаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу мuddатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртанча иш ҳақи сақланиб қолади.

Давра суҳбатидега бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, халқ маслаҳатчилари институтини янада такомиллаштириш юзасидан қўйдаги таклифлар билдирилди. Халқ маслаҳатчилари институтини бугунги кундаги ўрни ва роли, ушбу институтнинг номланиши, тарихий келиб чиқиши, бугунги замон талабларига жавоб бериши ёки бермаслиги танқидий таҳлилий фикрлар билдириб ўтилди. Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда ҳам халқ маслаҳатчилари институтини жорий этиш юзасидан илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Профессор-ўқитувчилар ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият кўрсатувчи малакали мутахассислар билан ҳамкорликда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда халқ маслаҳатчилари институтини тубдан такомиллаштириш бўйича миллий ёки халқаро грантлар доирасида тадқиқот ўтказиш ҳамда тадқиқот натижалари бўйича амалий қўлланма нашр этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Зарина РУСТАМОВА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида ўтказилиши белгиланди.

Яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича суриштирув шаклида тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Суриштирувнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада такомиллаштирилиб, жиноят процесси иштирокчиси сифатида терговчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса, суриштирувчи ҳам худди шу каби ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиши қонунчиликда мустаҳкамланди.

Эндиликда суриштирув ўтказиш ваколати тўртта орган, яъни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчиларига берилди.

Суриштирув жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов далолатномаси, ишнинг тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома киритиш билан яқунланди.

Шу ўринда суриштирув ҳаракатларини олиб бориш жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозимлигини айтиш жоиз. Суриштирув якуни бўйича айблов далолатномаси соддалаштирилган шаклда тузилади ва унда аниқланган ҳолатлар, айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган айбловнинг мазмуни, шунингдек, суриштирув давомида аниқланган ва ушбу жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

Айблов далолатномаси суриштирувчи томонидан имзоланади ва суриштирув бўлинимаси бошлиғи билан келишилгандан сўнг жиноят иши дарҳол прокурорга юборилади.

Ўз навбатида, айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишнинг муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги белгиланди.

Қонунчиликка киритилган бу ўзгаришлар жиноят ишини тергов қилишнинг тезкорлигини таъминлайди, терговчилар ишининг сифати ва дастлабки терговнинг самардорлигини оширади.

Бу билан жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради.

Сайёра СОБИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти

Яқинда Италиянинг Барлетта ҳамда Пезаро шаҳарларида анъанавий ўтказиб келинаётган халқаро мусиқачилар кўрик-танловида мамлакатимиз ёшлари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли ўринларга сазовор бўлди.



Маданият

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ислон Каримов номидаги Тошкент Халқаро аэропортида ғолиб ва совриндорлар тантанали кутиб олинди.

Барлеттада йигирма тўққизинчи бор ўтказилган "Citta di Barletta" танловида Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари Юнус Ражабий, Фаррух Исмаилов, Азиз Эргашев биринчи ўринга, Нодира Азизова эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Пезародаги танловда эса Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси Фозилжон Нигматов (афгон рубоби йўналиши) Гран-при совриндори бўлди. Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари Азиз Эргашев, Юнус Ражабий ҳамда Муроджон Алиев эса бу танловда ҳам биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўғлимизга катта бобосининг яъни Юнус Ражабий таваллудининг 100 йил тўлган йилида туғилгани боис унга яхши ниятлар билан бобосининг исмини қўйгандик, – дейди Жавлон Ражабий. – Болалигиданоқ мусиқага ошно бўлиб, меҳр қўйиб вояга етди. Бундай нуфузли танловларда ўғлимнинг иштироки ва ғолиб бўлиши оиламизга катта қувонч бағишлади. Истиқболимиз эрталарининг нафақат мусиқада балки ҳар соҳада ғолибликни қўлга киритиши мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва улкан эътиборнинг юксак самарасидир.

Дарҳақиқат, Халқаро танловларнинг ўзига хос масъулияти бўлади. Ижодий вақтда машҳур мусиқачи, ҳакамлар ҳайъати раиси Эрнесто Паласио ўзбекистонлик ёшларнинг истеъдодини эътироф этиб, уларга юқори баҳо беришнинг ўзи юртимизга ва келажакимизга парлоқ ёшларга бўлган эътиромдир.

– Танловда Вердининг "Дон Карлос" операсидан Родриго ариясини, Россинининг "Севильялик саргарош" операсидан Фигаро каватинасини ижро этдим, – дейди ёш операчи Фаррух Исмаилов. – Аргентина, Хитой, Россия, Япония, Корея ҳамда Италиянинг ўзидан ва бошқа ўттизга яқин давлатдан келган ёшлар ижросидан айнан биз – ўзбекистонлик ёш мусиқачиларнинг маҳорати юқори баҳолангани чексиз ғурур бағишлади.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларни санъатнинг мафтункори ва жозибали дунёсига ошно этиш борасида ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган эзгу ташаббуслар бугунги кунда яхши самара бермоқда. Бу эса фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ўтказиш, уларни китобхонликка ошно этиш, санъат сирларидан баҳраманд қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гулнигор САТТОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

КАСБГА АЙЛАНГАН ЖИНОЯТ

Ота-боболаримиз қаллоблик, ўғрилиқ ва кишилар мулкига кўз олайтиришдан ҳазар қилган. Инсоф, диёнат шу қадар кучли бўлган. Бугун-чи?.. Фирибгарлик айримларнинг том маънодаги "касби"га айланиб бормоқда. Хўш, бунини "касб мақоми"га кўтараётганлар аслида ким?..

Маълумотларга кўра, дунё бўйича фирибгарлик билан асосан ўрта ёшдаги кишилар шуғулланиб, 30-49 ёшдаги фирибгарлар шу жиноят учун судланганларнинг 70 фоизини ташкил этади.

Кейинги вақтларда алдандим, куйдим, тушдим каби "фарёд"лар негадир юртимизда ҳам жуда кўпайди. Балки бундай ташвиш сизнинг ҳам бошингизга тушгандир? Нега? Хўш, кимларга алданяпмиз? Энг ёмони, ҳатто айрим ҳолларда ўз яқинларимизнинг бемалол кўзимизга чўп суқиб кетишаётганига нима дейсиз?! Яқинлар билан юзқўрмас бўлмасликнинг, чўп тушмасликнинг илможи борми?

Илмий статистика асосларидан бири, бельгиялик социолог ва криминалог Кетленинг фикрича, жиноят содир этишга мойиллик одамнинг ёши, жинси, касби, маълумоти, даражаси, йил мавсуми ва бошқаларга ҳам боғлиқ.

Бировга тегишли бўлган пул, қимматбаҳо буюм, кўчмас мулкни алдаб, ишончини суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритган одамни қонунан фирибгар, деб атаймиз. Фирибгарга алданиб қолмаслик учун биринчидан, биз билан муносабатга киришмоқчи бўлган шахсни яхшилаб ўрганишимиз зарур: шахсий ҳужжатлари, иш жойи, мансаби, хизмат вазифаларига нисбатан қиришини аниқлаш керак.

Машхурлардан бири "Инсон ўта қашшоқлиги ёки ўта бойлиги учун жиноят содир қилади" деган фикрни айтган эди. Агар жиноят содир этаётган аёллар иқтисодий етишмовчиликни баҳона қилаётган бўлсалар, нонни ўлчаб берилган замонларда яшаган аёлларнинг ҳаётини ёдга олсинлар. Маълумотларга кўра, ҳозирда аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчи-

ликнинг 12,5 фоизини ташкил қилади. Бу анча кам туюлиши мумкин. Аммо ҳар бир аёлнинг ортида фарзандлари ё оиласи шаъни тургани, қариндош-уруғлар номуси масаласи ҳам кўтарилишини ҳисобга олсак, бу рақамларни кам дея олмаймиз. Чунки аёл энг аввало, она, фарзанд тарбиячиси. Агар унинг ўзи жиноятчи бўлса у тарбиялаган фарзандлар тақдирини қандай бўлади?

Кейинги вақтларда айрим фирибгарлар интернет тармоғи орқали ҳам қинғир ишларни амалга оширишмоқда. Агар сизга мўъжизани ваъда қилишаётган бўлса, билингки, бу соҳадаги тажрибасизлигингиздан фойдаланиб, тез орада сизни алдашди. Тармоқдаги ҳар қандай тақлифга жуда ҳам ишонувчан бўлмасдан, бир оз мулоҳаза билан иш тутинг. Етарлича билим ва кўникамага эга бўлмай туриб, интернетда пул топиш ёки бизнес соҳасида кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

Албатта осонлик билан катта пул топиш ҳаммани ҳам қизиқтиради. Меҳнат қилиб пул топиш, даромад қилиш, бунинг ортидан фаровон яшаш ҳар бир инсоннинг мақсади. Бу мақсадга етишнинг йўллари бехисоб. Қайси йўлни танлаш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Меҳнатга бўйни ёр бермаган инсон фаровон турмушни ҳаёл қилмасаям бўлади. Лекин баъзилар бунини тан олгани келмайди. Шу боис қандай бўлмасин, меҳнатсиз даромад қилиш дардида ўзини ҳар қўйга солишдан ор қилмайди. Фирибгарликни касб қилганлар бор экан, уларга алданганилар ҳам топилади. Соддалик билан алданиб қолганлар бундан бу ёнга хушёр бўладилар деган умиддамиз!

Ф.ПҲЛАТОВ,
Яккасарой туман прокурорининг ёрдамчиси

Яшнобод тумани, "Ҳосиятли" маҳаласи, Иззат кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Е.Зағурский Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига "Авиасозлар бозори" ҳудудида жойлашган дўконларда ҳанузгача чўлғамли лампалардан фойдаланиб келинаётгани тўғрисида мурожаат қилди.

ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

Келиб тушган мурожаатига асосан "Ўздавэнегрозорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспекторлари А.Камолов, Б.Халматовлар ва Яшнобод ТЭТК ходими У.Хамидов ҳамда "Авиасозлар бозори" АЖ энергетиги К.Исмаилов иштирокида жойига чиқиб ўрганилганда ҳақиқатан ҳам "Авиасозлар бозори" АЖ ҳудудида қуваати 40 Ваттдан катта бўлган чўлғамли лампалардан фойдаланилганлиги аниқланди ва далолатнома тузилди. "Авиасозлар бозори" АЖ раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2015 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон ҳудудида қуваати 40 Ваттдан катта бўлган чўлғамли лампалардан фой-

даланиши тақиқланганлиги тушунтирилди. Зудлик билан "Авиасозлар бозори" ҳудудидаги дўконларда фойдаланиб келинаётган чўлғамли лампаларни энерготехмакор лампаларга алмаштиришни, электр энергиясида ноқиллона фойдаланишнинг олдини олиш ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида бозор ҳудудларида ёзма ташвиқот-тарғибот ишлари амалга оширилиши, бундан кейин бу ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймасликлари борасида тушунтириш берилди.

Абдулла АБДУЛЛАЕВ,
"Ўздавэнегрозорат"
инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Акциядорлик тижорат Халқ банки Сергели филиали томонидан Сергели тумани, Сайрам кўчаси, 1-уйда жойлашган бинода қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Унда қурилиш бўйича фаолият юритувчи барча фирмалар иштирок этиши мумкин. Танлов тақлифлари 2019 йил 3 июнь кuni соат 15:00 гача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 9-уй. Мурожаат учун тел: +998 71 202-50-50, +998 71 281-47-13.

Юнособод машинасозлик касб-хунар коллежи томонидан 2004 йилда Каримджон Бекзод Бахтиёровичга берилган К № 056618 рақамли (122-қайд рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, (аввалги Ҳамза тумани) Лисунова-1, 123-уй, 52-жондон эгаси Гончарова Ирина Игоревна номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти томонидан 2017 йилда Гулмурод Аббос Гулмурод ўғли номига берилган М № 094221 рақамли магистр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуототхона кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

МЧЖ КК EUROASIA INSURANCE Суғурта компанияси Чилонзор филиалига тегишли 0063318, 0070778, 0075918, 0075919, 0082269 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қарор ва ижро

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда турларини кенгайтириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова Ўзбекистонда дори-дармон таъминотини янада яхшилаш ва фармацевтика sanoatini ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини бу борада Президентимизнинг 2019 йил 10 апрелдаги "2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуруламал бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Ҳозирда мазкур Фармон асоси билан "Йўл харитаси" тасдиқланиб, ижросини таъминлаш, жумладан, фармацевтика sanoatini халқаро ҳамкорлиги янада кенгайтириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, тиббий техниканинг инвестицион жозибалдорлигини ошириш ва халқаро стандартларни жорий этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 162 корхона дори воситаси, тиббий буюмлар ишлаб чиқаради. 2480 дан ортқ дори воситаси ва 200 га яқин тиббий буюмининг амалиётда қўллашга рухсат этилган.

Чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши эвазига республикамизда фармацевтика йўналишида 26 қўша корхона фаолият юритмоқда. Фармацевтика корхоналарига ҳам имтиёзлар берилиши соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, "Нукс-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарининг ташкил этилгани маҳаллий фармацевтика sanoatini янада ривожлантиришга хизмат қилиб, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Яна бир эътиборга молик томони, маҳаллий ишлаб чиқарувчи 27 корхона томонидан 25 фармакотерапевтик гуруҳга мансуб дори воситалари ва 10 номдаги тиббий буюмлар 14 хорижий давлатга, жумладан, АҚШ, Германия, Россия, Францияга экспорт қилинмоқда. Корхоналар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 2018 йилнинг 1 чорағига нисбатан 134,6 фоизга ошди. Ўтган йилларда янги фармацевтик бозорлар – Яман, Белорусь, Жанубий Корея, Молдова, Туркия ва Тожикистон бозорлари ўзлаштирилди.

Соҳа мутахассисларининг берган маълумотларига кўра, юртимиз флораси 4,5 минг турдаги ўсимликлардан иборат бўлиб, 577 турдаги доривор ўсимликлардан 100 тури тиббий фанда қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўзлаштирилган дори воситаларидан 382 номдаги ўсимлик ҳам ашёси ҳисобланади. Доривор ўсимликлар плантацияларини ривожлантириш мақсадида 11450 гектар ер майдонига доривор ўсимликлар экилган. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 8127 гектар ер майдонига қўзилмиш илдири плантациялари ташкил этилган. Етиштирилган қўзилмиш илдирини қайта ишлаш учун 14 корхона фаолият кўрсатмоқда. 51 корхона ўсимлик ҳам ашёси ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

Матбуот анжуманида журналистларга юртимизда ўсадиган доривор ўсимликлардан дори воситаларини тайёрлаш ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Давлат фармакопеяси ишлаб чиқуш юзасидан ҳам иш олиб борилаётганлиги хусусида маълумотлар берилди.

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎҚУВ-СИМУЛЯЦИЯ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида соғлиқни сақлаш тизимида бир қанча эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда Ўқув-симуляция марказининг ўз фаолиятини бошлаши ҳам юқоридаги Фармон асосидаги мақсадли ишларнинг амалий давомидир. Тошкент врачлар малякисини ошириш институти ва "GE Healthcare" компанияси ҳамкорлигида фойдаланишга топширилган ушбу марказ юртимизда малякали тиббий ходимларини тайёрлаш ва залуқсиз таълим тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан Тошкент врачлар малякисини ошириш институти ректори Жабибулло Ақиллов ва бошқалар малякатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг амалий самарасини бераётганлигини таъкидлади.

Статистик маълумотларга кўра, кейинги йилларда юртимизда поликлиникалар сони 2 баробарга, тиббий мутахассислар сони эса 12 фоизга ошган. Ушбу жараён мамлакатимизда шифокорлик таърибасининг таълим ва илмий фаолият билан жадал интеграциялашуви бўлган талабнинг ошиб бораётгани билан боғлиқдир. Янги очилган ўқув-симуляция маркази айнан тиббийнинг илғор ютуқларини даволаш ва ташхис жараёнларига қўллашга муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув-симуляция маркази соҳа мутахассисларининг амалий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Унда тингловчилар олган назарий билимларини замонавий ультраовушли ускуналарда амалда синаб, ўз билиминини мустаҳкамлайди. Биринчи навбатда бу аёллар соғлиги ва пренатал ташхис билан шуғулланувчи шифокорларга тааллуқлидир. Яна шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, "GE Healthcare" компанияси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Пренатал тиббий хизматини ривожлантириш давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги 200 та кўп тармоқли поликлиника "GE Healthcare" компаниясининг сўнгги ультраовушли ташхис қўйиш ускуналари билан таъминланди.

– Биз ўзбекистонлик шифокорлар билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, – деди Россиядан таширф буорган, тиббийет фанлари доктори, профессор Владимир Митков. – Айни дамда марказнинг очилиш маросимидан иштирок этаётганлардан жуда ҳам мамнунман. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимга хавасим келаяпти. Чунки бу марказнинг ишга туширилиши мутахассисларнинг энг илғор ультраовушли ташхис ускуналарини бўйича хавфсиз ва самарали ишлаш кўникмаларини шакллантиришда катта қўмақдир. Қолаверса, унинг фаолияти икки давлат ўртасида айнан шу йўналишда алоқаларимизни янада мустаҳкамлайди.

Марказда тингловчиларга маҳаллий ва хорижлик мутахассислар ақшурлик, гинекология, кардиология ва умумий визуаллаштириш йўналишлари бўйича таълим берилади. Бу ерда "GE Healthcare" компаниясининг замонавий ультраовушли тиббий ташхис Voluson P6 ускунаси, интерактив анатомик атлас ва ультраовушли фетал фантом ўрнатилган бўлиб, шифокорлар назарий билим олиш билан бир қаторда юқори технологик ускуналарда тадқиқотлар ўтказиши мумкин.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳудудида Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Олмазор Ўқув спорт техника клуби" ташкилотчилигида авиамодель спорт турининг корд авиамодель бўйича шаҳар очиқ чемпионати ва биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

Қизгин баҳс-мунозаралар остида кечган мусобақада, Олмазор, Миробод, Мирзо Улуғбек, Яққасарой, "Янгийул ЎСТК", Самарқанд ва Тошкент шаҳар ўқув спорт техника клублари ҳамда "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент вилояти кенгашидан жами 33 нафар спортчи иштирок этди. Мусобақа қондасига кўра корд авиамодель спорт мусобақаси махсус, атрофи ўралган кортодорларда ўтказилди. Мусобақа иштирокчилари 15 дақиқа ичида турли фигураларни кўрсатиб беришлари талаб этилади. Иштирокчиларнинг ҳар бир кўрсатган фигура учун ҳакамлар томонидан баҳоланиб, балл қўйилди. Мазкур мусобақа ҳам белгиланган қонун-қоида талаблари асосида ўтказилди.

Мусобақанинг Низомига кўра, тўртта синф бўйича F-2-D моделлар ўртасида ташкил этилди.

Барчада катта қизиқиш уйғотган мусобақанинг якуний натижалари кўра, 1-ўринни "Миробод ЎСТК", 2-ўринни "Олмазор ЎСТК", 3-ўринни "Янгийул" ЎСТК, 4-ўринни "Яққасарой ЎСТК" ва 5-ўринни "М.Улуғбек" ЎСТКлари эгаллади.

Ғолиблар Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти Кенгаши томонидан эсдалик совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

"Ватанпарвар" ташкилотининг бундай мусобақаларни ташкил этиб, унга ёшларни жалб этишдан асосий мақсади уларни бўш вақтларини унумли ўтказиш, қолаверса спорт билан шуғулланган ҳолда келажақда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши учун замин яратишдан иборат.

Зиёда РАСУЛОВА

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўқув мусабасаларида турли-туман тадбир амалга оширилмоқда.



Спорт — саломатлик гарови

ҚУВНОҚЛАР ВА ЭПЧИЛЛАР БЕЛЛАШДИ

Жумладан, Олмазор туманидаги 22-мактабда ҳам Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти билан ҳамкорликда иккинчи ташаббуснинг ижроси юзасидан ёшларни жисмонан чиниктириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятларини намойён этишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган мақсадда спорт-соғломлаштириш мусобақалари ташкил этилди. Бунда 8-9-

синфлар ўртасида баскетбол бўйича беллашувлар ўтказилди. 3-4-синф ўқувчилари эса "Қувнок стартлар" мусобақаларида иштирок этиб, ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Финал беллашувларидан сўнг баскетбол турнирида 9 "а"-синфи ўқувчилари галаба наҳидасини суришган бўлса, қувноклар ва эпчиллар баҳсида 2 "а"-синфи жамоасига тенг келадиган-

лар топилмади.

Мусобақа ғолибларини Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Улуғбек Абдуллаев қутлаган ҳолда янги зафарлар сари илҳомлантирди ва фахрий ёрликлар ҳамда бошқа совғалар тўхта этди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи сўнгги тур баҳсларида ҳали "Пахтакор" ҳам "Локомотив" ҳам қитъа миқёсида анча кучсиз эканлигини кўрсатиб қўйди.

Айниқса, хусусий клуб мақомини олган "Пахтакор" бу сафарги Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ босқичида яна муваффақиятсизликка учрагани бу борада жиддий илохотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб берди. Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида "Ал-Ахли" клуби билан куч синашган пахтакорлардан фақат омад юз ўғирди дейиш нотўғри бўлади. Чунки "Пахтакор" ўйин ботида араблардан ҳатто устунлик қилди. Аммо, вазиятлардан фойдаланиш, рақиб дарвозасига ҳужум уюштириш ботида тошкентликларда яна оқсаш, тез фикрлашмаслик ҳолатлари кузатилди. Натқжада Шота Арвеладзе шогирдлари галаба қозониш мумкин бўлган баҳсда имкониятни 1:2 ҳисобида бой беришди. Айтиш жоизки, ушбу ўйинда пахтакорлар бемаъл дурани натижага эришишлари мумкин эди. Аммо...

Назаримизда клубда янада жиддий ишларни амалга ошириш зарур. Аввало, "Пахтакор" Европа стандартларига мос келадиган ҳақиқий профессионал клубга айланиши лозим. Бунинг учун албатта дунёнинг гранд клублари тақрибларини қўллаш шарт. Ўйинида бўлса, "Пахтакор" ҳам, "Бунёдкор" ҳам ўз вақтида Осиё чемпионлар лигаси ярим финалигача етиб боришган, ўз ўйинлари билан нафақат ўзбекистонлик балки қитъадаги футбол ишқибозларини ҳам ҳайратта солишган эди. Чунки у пайтда, айниқса "Бунёдкор"да ўйин тизгинини ўз қўлига оладиган, маҳаллий ёш футболчиларни галаба

сари дадил етаклай оладиган Ривалдо, Вильянуэва сингари ижрочилар бор эди. Ривалдодан кўпгина ўзбекистонлик ёш футболчилар ўз маҳоратларини ошириш учун кўп жиҳатларни ўрганганликлари аниқ. Назаримизда ҳозирда "Пахтакор"га ҳам бошқа хусусий бўлишга интиляётган Суперлига клубларига ҳам жаҳоннинг энг кучли жамоаларида тўп сурган Ривалдо сингари футболчиларни жалб этиш вақти етиб келди. Ана шунда футболимиз юксалади, ёш маҳаллий футболчилар клубларида етакчилик қилаётган жаҳон футбол юлдузларидан ниманидир ўрганишади. ОЧЛда "Пахтакор" билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган Катарнинг "Ал-Садд" жамоаси гарчи сўнгги турда сафарда "Персеполис"га мағлуб бўлган бўлса ҳам кейинги босқич масаласини аввалроқ ҳал этиб қўйганди. Бунга албатта катарликлар сафида тўп суратган жаҳон футбол юлдузи "Барселона" аъзоси Хави муносиб ҳисса қўшганини эслаш кифоя. Ҳатто Хави Тошкентда ҳам "Пахтакор" дарвозасига жойиб голлар киритиб "Ал-Садд"ни мағлубиятдан қутқариб қолган эди.

Хулоса ўрнида жамоалар ҳомийлари бу ҳақда жиддий ўйлаб қўришлари фойдадан холи эканлигини таъкидлаб қоламиз. Дарвоқе, "Пахтакор"га нафақат юксак маҳоратли футболчи, балки юксак савияли мураббий ҳам керак.

Ақбар Йўлдошев

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


"IXLOS INVEST" МЧЖнинг
Баланс ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари	27 423
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	64 388
30	16300	Олигини лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	78 189
50	12401+12405+12409+15701+15705	Кредитлар (микрорегион, микроқарз, истеъмол), брутто	1 531 985
51	12499+15799	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	0
52		Кредитлар, соф (50 код-51 код)	1 531 985
70	16500	Асосий воситалар, соф	11 505
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16799	а. Минус: Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16400	Бошқа активлар	301 424
110		Жами активлар (10+20+30+52+70+80+92+100)	2 014 913
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600	Тўлангани лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўлангани лозим бўлган фойзалар	0
240	22500	Тўлангани лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	0
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	0
260	29800	Бошқа мажбуриятлар	62 103
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	62 103
КАПИТАЛ			
310	30301	Устив капитал	950 000
320	30903	Умумий захират фонди	142 500
330	30905	Текнига олинган мулклар	0
350	31203	Тақсирланмаган фойда	0
360	30908	Бошлангич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
370	(40000-50000)+/-31206	Жорий иёл фойдаси (зарар)	860 309
380		Жами капитал (310+320+330+350+360+370)	1 952 809
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	2 014 913

"IXLOS INVEST" МЧЖнинг
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи
2018 йил 31 декабрь ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
1. ФОВИЛИ ДАРОМАДЛАР			
110	40400	Банклардан депозитлар бўйича фойдали даромадлар	0
120	42000	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фойдали даромадлар	1 172 420
160	44700+44900	Бошқа фойдали даромадлар	0
170		Жами фойдали даромадлар (110+120+160)	1 172 420
2. ФОВИЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фойдали харажатлар	0
220	53101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўлангани лозим бўлган фойдали харажатлар	0
230	53105+53195+53196	Бошқа кредитларга тўлангани лозим бўлган фойдали харажатлар	0
240	54400	Лизинг (микрорегион) бўйича фойдали харажатлар	0
250	54800	Бошқа фойдали харажатлар	0
260		Жами фойдали харажатлар (210+220+230+240+250)	0
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОВИЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)			
310			1 172 420
320	56802+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	0
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолашдан сўнг соф фойдали даромадлар (310-320)	1 172 420
4. ФОВИЛИ ДАРОМАДЛАР			
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	0
440	45900	Бошқа фойдали даромадлар	416 072
450		Жами фойдали даромадлар (410+440)	416 072
5. ФОВИЛИ ХАРАЖАТЛАР			
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	25 212
520	55900	Бошқа фойдали харажатлар	943
530		Жами фойдали харажатлар (510+520)	26 155
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОВИДА (330+450-530)	1 562 338
7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ҳодимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	117 063
720	56200	Иваз ва таъминот харажатлари	28 233
730	56300	Хизмат савфари ва транспорт харажатлари	0
740	56400	Маъмурий харажатлар	16 086
750	56500	Репрезентация ва виҳрия	4 328
760	56600	Эскириш харажатлари	1 110
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	7 292
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	174 112
800	56800-56802-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИК БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОВИДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИВИЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОВИДА (600-780-800)	1 388 226
1000	56902	10. ФОВИДА СОЛИГИ	195 592
1100		11. ТУЗАТИВИЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОВИДА (900-1000)	1 192 634
1110	Дт 31206 снл Кт 31206	Фойдага асраб бўлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОВИДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	1 192 634

Ушбу ҳисобот "FTF-LEA-AUDIT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 31.12.2018 йилдаги ижобий хулосаси билан тасдиқланган (Лицензия Молия вазирлиги томонидан АФ № 00202 рақами остида 18.02.2008 йилда берилган).



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Баъзилар учун ҳамма нарса муаммо.

* * *

Ўз бериши муқаррар ҳодисанинг олдини олиб қўйган афзал.

* * *

Ҳар кимнинг ўз давраси, ўз муҳити бор.

* * *

Чўзилган иш – га му таъвиш.

* * *

Муаммо кўпинча йўқ жойдан келиб чиқади.

* * *

Одамнинг соддаси ўзини ўзи тутиб беради.

* * *

Самимий киши бировдан яширин иш қилолмайди.

* * *

Инсоннинг энг ашаддий душмани аслида ўзи.

* * *

Ҳаёт ташвишларини фақат меҳнат билан енгиш мумкин.

* * *

Меҳр дарахтида оқибат меваси етилади.

* * *

Кимнинг умр дарахтининг меваси ширин, кимники аччиқ.

* * *

Кўпинча қаддин деб ўйлаган нарсамиз осон, осон деб ўйлаган нарсамиз қийин бўлади.

* * *

Албатта, режасининг бузилишини ҳеч ким ҳам истамайди. Лекин ҳаёт, одамлар кўпинча режаларимизнинг оёғини осмондан келтиришади.

* * *

Фаросатли хотин эридаги ҳар бир ўзгаришни дарҳол пайқайди.

* * *

Нафс кишини қайси кўчаларда сарсон қилмайди.

* * *

Одамлар нукул ўзгаларни муҳокама қилишади-ю, ўзлари ҳақида сира ўйлаб кўришмайди.

* * *

Нодон сира феълини тузатишга ҳаракат қилмайди.



ди. Ҳарорат кечаси – 17-19, кундузи – 34-36 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 29 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 29 май кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эса-